



Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2011 йил 5 июль сешанба № 29 (756)

e-mail: info@press-iq.uz

www.minjust.uz

Мукофотлар топширилди

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ шу йил 31 май кунги "Ҳа-
дича Сулаймонова номидаги Республика суд экс-
пертиза маркази ходимларидан бир гуруҳини му-
кофотлаш тўғрисида"ги Фармонида биноан мазкур
марказининг бир гуруҳ ходимлари давлатимизнинг
юксак мукофотлари билан тақдирландилар.



АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА ушбу юксак мукофотлар-
ни топшириш маросими бўлиб ўтди. Мукофотларни
Президентнинг Давлат маслаҳатчиси ўринбосари
Б.Коканбаев топширди.

Шунингдек, Республика суд экспертиза маркази-
нинг 60 йиллиги муносабати билан суд экспертиза
соҳасида ибрат кўрсатиб меҳнат қилаётган бир қатор
ҳодимлар Адлия вазирлигининг фахрий ёрлиқлари
билан тақдирландилар. Ўзбекистон Республикаси
Олий суди, Олий ҳўжалик суди, Бош прокуратура-
си, Ички ишлар вазирлиги томонидан Марказнинг
яна бир гуруҳ ходимларига фахрий ёрлиқлар ва
эсдалик совғалари топширилди.

(Ўз муҳбиримиз)

Диққат, янги танлов!

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми»
жамғармаси, «Туронбанк» акциядорлик тижорат банки ва Ўзбекистон электрон оммавий
ахборот воситалари миллий ассоциацияси ҳамкорлигида

«ЭНГ ЯХШИ ҲУҚУҚ ТАРҒИБОТЧИСИ» танлови ўтказилади

МАМЛАКАТИМИЗДА ҳар томонлама
соғлом ва баркамол авлодни вояга ет-
казиш, аҳолининг ҳуқуқий мадания-
тини юксалтириш, шунингдек, ёшлар-
имизни миллий ва умуминсоний қад-
риятлар уйғунлиги руҳида тарбиялаш
масаласи давлат сиёсатининг энг усту-
вор вазифаларидан бири. Шу боис тан-
ловда аҳолининг ҳуқуқий саводхонли-
гини ошириш, давлат мустақиллигини
мустаҳкамлаш, Ватанимизнинг муно-
сиб ворисларини ҳуқуқий жиҳатдан
етук қилиб тарбиялаш, ушбу йўна-
лишда кўрсатган фидойилиги, шунинг-
дек, аҳоли, айниқса, ёшлар орасида
олиб бораётган кенг кўламли тарғи-
бот ишларини амалга ошираётган
ҳуқуқ тарғиботчиларини аниқлаш ва
уларни рағбатлантириш бош мақсад
қилиб олинган.

«Энг яхши ҳуқуқ тарғиботчиси» тан-
ловида Ўзбекистон Республикаси фу-
қаролари ва Ўзбекистон Республика-
сида доимий яшаш жойига эга бўлган
фуқаролиги бўлмаган шахслар ишти-
рок этиши мумкин.

Танлов ҳар йили Мустақиллик бай-
рами арафасида ўтказилади.



Ғолиблар куйидаги номинациялар бўйича аниқланади:

- «Жамиятда ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий онгни юксалтиришга қўшган
хиссаси учун»;
- «Ёшлар орасидаги кенг кўламли ҳуқуқий тарғиботга қўшган хиссаси
учун»;
- «Ҳуқуқий тарғиботдаги фидойилиги учун»;
- «Оммавий ахборот воситаларида ҳуқуқий маданиятни кенг тарғиб
қилганлиги учун»;
- «Ҳуқуқий тарғиботни ташкил қилишдаги яқин ҳамкорлиги учун»;
- «Энг ёш ҳуқуқ тарғиботчиси».

Танловда қатнашиш истагини билдирган ҳар бир номзоднинг ҳужжат-
лари ва материаллари номзод ишлайдиган ёки ўқийдиган ташкилот ёки
ўқув муассасаси томонидан ташкилий қўмитанинг ишчи органига расмий
хат билан топширилади.

Хатга куйидаги ҳужжатлар ва материаллар илова қилиниши лозим:

тегишли ташкилот ёки таълим муассасасининг тавсияси;
номзоднинг паспорт нусхаси ва анкетаси;
номзоднинг сўнгги 2 йил мобайнидаги жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий
маданиятни юксалтириш, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш бо-
расида олиб борган ишлари ва алоҳида эришган ютуқлари (матбуотда
чоп этилган ва веб-сайтларда эълон қилинган мақолалар, буклетлар, пла-
катлар, рисоалар, савол-жавоб ва шарҳловчи қўлланмалар ҳамда ҳуқуқий
тарғибот олиб борганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар).

Ҳужжатларни топширишнинг охириги мuddати 25 июль.

Ғолиблар эсдалик нишонлари, дипломлар, статуеткалар, совринлар ва
белгиланган миқдордаги пул мукофотлари билан тақдирланади.
Ғолиб ва совриндорлар рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Қўшимча маълумот учун телефон: (998-71) 233-39-84,
Факс: (998-71) 233-39-84, E-mail: press@minjust.gov.uz

Юртимиз

дунё нигоҳида

Ўзбекистон билан яқин дўстлигимиз ва ишончли ҳамкорлигимиз келажақда ҳам давом этади

— Мамлакатимиз Мустақиллигининг 20
йиллиги тобора яқинлашмоқда. Барча
Ўзбекистонликларнинг кутлуг байрами ара-
фасида юртимиз ҳақида қандай фикрлар
айта оласиз? Байрам олдида халқимизга
қандай тилаклар билдирасиз?



Вольфганг НОЙЕН,
Германия
Федератив
Республикасининг
Ўзбекистон
Республикасидаги
Фавқуллод ва
Мухтор Элчиси

— Ўтган 20 йил мобайнида Ўзбекистон катта сал-
моқли йўлни босиб ўтди, мамлакатда жуда кўп
йутуқларга эришилди. Инфратузилма ва саноат со-
ҳаларига қиритилган кўплаб инвестициялар нати-
жасида Ўзбекистон халқаро иқтисодий инқирозни
бир қатор давлатларга қараганда анча яхшироқ ен-
гиб ўтишни уddалади. Ўзбекистон Республикаси мус-
тақилликка эришган илк кунларданок Германия Ўзе-
бекистон билан барча соҳаларда ҳамкорлик алоқа-
ларини олиб бормоқда.

Ҳамкорлик алоқаларини икки томон келажақда ҳам
давом эттиришга қатъий бел боғлаган. Германия ком-
паниялари Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳиятига ва
ундаги ресурсларга нисбатан катта қизиқиш билан
қарайди. Ўз навбатида Ўзбекистон ҳам Германия ин-
вестицияларини жалб қилишга ҳаракат қилмоқда.

Бугунги кунга келиб Бухоро, Самарқанд ва Тош-
кент шаҳарларидаги ўзбек-герман қўшма корхона-
ларида қурилиш моллари, оғир юк ташувчи авто-
мобиллар, қишлоқ хўжалиги техникалари ҳамда ка-
бель ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Маданият со-
ҳасида халқларимиз орасида анъанавий алоқалар
мавжуд. Тошкентдаги Гёте институти Ўзбекистон ма-
даний саҳнасининг ажралмас бир бўлагига айлан-
ган. Ўзбекистонда немис тилини ўрганаётганлар со-
нининг кўпчилиги Германия маданияти ва немис ти-
лига бўлган катта қизиқишдан далolat беради. Биз
бундан жуда хурсандимиз. Ижтимоий-сиёсий йўна-
лишда Германия сиёсий жамғармалари Ўзбекис-
тонда Фуқаролик жамияти, мамлакат парламенти —
Олий Мажлис ва ҳукумати билан узвий ҳамкорлик
қилмоқда. Ушбу соҳада навбатдаги ютуқларга эри-
шиш мақсадида биз инсон ва фуқаро ҳуқуқлари мав-
зуида самарали мулоқот олиб бормоқдамиз.

Ўзбекистон турли маданиятлар учрашадиган, та-
рихий обидаларига, ўз маданиятига эга бўлган та-
рихий ва замонавий бинолари ёнма-ён қад кўтар-
ган мамлакат саналади. Бу хилма-хиллик Ўзбекис-
тонга хос бўлиб, унга кўрк бағишлайди.

Афғонистонда барқарорлик ва тинчлик асосида-
ги ривожланишни қўллаб-қувватлаш масалаларида
ҳам Германия Ўзбекистон билан узвий ҳамкорлик
олиб бормоқда. Бунинг учун биз Ўзбекистондан мин-
натдоримиз.

Мустақилликнинг 20 йиллиги муҳим босқич ҳисоб-
ланади. Шу муносабат билан мен Ўзбекистонга, Ўзе-
бекистон халқига тинчлик ва фаровонлик тилайман.

«Инсон ва қонун» муҳбири
Зайниддин МАМАДАЛИЕВ эзиб олди

Халқаро

миқёсдаги тадбир

Демократик жамият

барпо қилишнинг муҳим
шартларидан бири

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ "Radisson SAS" меҳмонхо-
насида «Инсон ҳуқуқлари маданиятини шакл-
лантириш — инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъ-
минлаш, мамлакатда фуқаролик жамиятини яна-
да ривожлантириш соҳасидаги энг муҳим вази-
фа» мавзусида халқаро давра суҳбати бўлиб ўтди.
Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депу-
татлари, Сенат аъзолари, Омбудсман, вазирлик
ва идоралар, Фуқароларнинг ўзини
ўзи бошқариш органлари ва ОАВ ва-
киллари, шунингдек, халқаро эксперт-
лар ва ҳуқуқшунос олимлар иштирок
эtdилар.

Адлия вазирлигида

Ҳайъат мажлиси

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
навбатдан тошқари Ҳайъат
мажлиси бўлиб ўтди. Ўзбекис-
тон Республикаси Адлия вази-
ри Н.Иўлдошев бошқарган
мажлисида Ўзбекистон Респуб-
ликаси Президенти ва Ҳукума-
ти томонидан адлия органлари
ва муассасалари олдига белги-
лаб берилган вазифаларни из-
чил амалга ошириш, бу бора-
даги ишларни янада такомил-
лаштириш масалалари муҳока-
ма қилинди.

ҲАЙЪАТДА асосий эътибор
Ўзбекистон Республикаси Пре-
зидентининг 2011 йил 17 июн-
даги «Давлат органлари фао-
лиятида қонунийликни таъ-
минлаш соҳасида адлия ор-
ганларининг ролини янада
ошириш чора-тадбирлари
тўғрисида»ги Қароридан белги-
ланган вазифаларнинг ўз вақти-
да ва самарали бажарилишини
таъминлаш юзасидан амалга
оширилаётган ташкилий-ҳуқуқий
чора-тадбирларга қаратилди.

Мазкур Қарорда белгиланган
вазифаларни ҳаётга тула тadbик
этиш, жойларда бу борадаги
тарғибот тадбирларини ташкил-
лаштириш, малакали кадрларни
танлаш, уларни жой-жойига
қўйиш масалалари юзасидан му-
тасаддиларнинг маърузалари
ҳам тингланиб, кўрсатма ва та-
сиялар берилди.

Ҳайъат мажлисида вазирлик
таъминотида ушбу Қарор асосида
янги ташкил қилинган Қонунчи-
ликка риоя этилиши устидан на-
зорат қилиш бош бошқармаси ва
унинг ҳудудий бўлимларини таш-
кил этиш борасида чора-тадбир-
лар белгилаб олинди.

Мажлисида муҳокама этилган
барча масалалар юзасидан те-
гишли қарорлар қабул қилинди.

Адлия вазирлиги
Ахборот хизмати

Болалар маҳаллалари

SOS: Болаларга беринг дунёни!



Инсонийлик моделли

ҲА, БОЛАЛАР дунёни ёруғ
нурларга, шоду хуррамлик ва
эзуликка тўлдирди. Агар ер
юзидан болалар бўлмаганда
эди, инсониятнинг гуноҳи,
қадри эвазига осмон аллақа-
чон ерни босиб қоларди, ос-
монни болалар суяб турибди,
деб ёзади замондош шоир!

БАШАРИЯТ тақдири юксак
техник тараққиётга эришиш, у
ёки бу сиёсий қучларнинг ри-
вожига эмас, балки ер юзидан
униб-ўсиб келаётган ёш авлод-
нинг таълим-тарбиясига боғлиқ.
Ҳикматомуз бу сўзлар халқаро
ҳамжамият томонидан инсоний-
лик моделининг муаллифи, дея
ном берилган австриялик Гер-
ман Гмайнерга тегишли. У ду-
нёда биринчилардан бўлиб,
ота-она меҳридан мусову,
қаровсиз қолган етим болалар-
га наҳот қўлини чўзди. Иккин-
чи жаҳон урушидан кейин,
етим болаларнинг ҳоли жуда
хараб эди. Улар ярим яланғоч,
оч-наҳор дуч келган жойларда
изғиб юришар, ахлатхоналар-
ни титқилаб бирор-бир егулик
қидиришар, кўпчилиги эса оч-
ликдан, турли хил касалликлар
туфайли ўлиб кетишарди.

1949 йилда Герман Гмай-
нер урушда ўз ота-онаси, қарин-
дош-уруғлари, уй-жойидан аж-
ралган болаларга ёрдам бериш
мақсадида "SOS kinderdorf
international" халқаро фондига
асос солди ва шу йили Австрия-
нинг Имст шаҳрида биринчи
"SOS" болалар маҳалласи очил-
ди. Мазкур халқаро фонд бу-
гунги кунга қадар ўзининг ке-
либ чиқиши, ёши, жинси, мил-
лати ва юртидан
қатъи назар, барча
етим болаларни
катта ҳаётга тайёр-
лаш йўлида хизмат
кўрсатмоқда.



“Адолат” нашрлари — адолат кўзгуси

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги ихтисослаштирилган “Адолат” нашриёти ижодий жамоаси таҳририятимиз меҳмони

“АДОЛАТ” нашриёти 1992 йилнинг 8 январида Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони асосида таъсис этилган бўлиб, мамлакатимиз аҳолисини ҳуқуқий маърифат билан таъминлашга қаратилган адабиётлар чоп этишга ихтисослашган.

Тарих учун қисқа давр ҳисобланган 20 йил ичида “Адолат” нашриёти мамлакатимизда қонун ижодкорлиги таркиб топиши, ҳуқуқий маърифатнинг ҳалқ онгига, айниқса, ёш авлодлар шуурига сингишига муносиб хизмат қилиб келмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ ўртага ташлаган “Мустақиллик — ҳуқуқ демократия” шioriни дастурийлашган қилган нашриёт минг-минглаб нусхада китоб, рисола, қўлланма, дарсликлар чоп этиб, ҳалқимизнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Президент фармонларини чоп этишдан иш бошлаган нашриёт тобора ўз мавзу режасини бойитиб, ҳуқуқий-маърифий, бадий-детектив асарлари билан ҳалқимиз ҳаётига чуқур кириб борди. Нашриёт Ўзбекистон Конституцияси ва унинг шарҳларидан тортиб, мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олган қонун ва қарорлар, Ўзбекистон Республикаси кодексларини тез фурсатда чоп этиб, ҳалққа етказишда ҳам ташаббускорлик кўрсатди. Мустақил давлатимизнинг расмий ҳужжати саналган 15 номдаги кодекслар ва қонун ҳужжатлари тўплами мажмуини кетма-кет нашр этди. Айниқса, 2009 йили “Ўзбекистон юридик энциклопедия-

си”нинг чоп этилиши ва кенг китобхонлар оmmasига етказилишида “Адолат” нашриётининг ташкилотчилик хизмати ҳуқуқий маърифат ва маданият тарғиботида салмоқли амалий иш бўлди. Мазкур энциклопедия бутунги кунда ҳам ҳалқимиз ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлашда қўл келмоқда.

Ҳадемай “Адолат” ўз фаолиятининг учинчи ўн йиллигига қадам қўяди. Ҳуқуқий маърифат ўчоғи учун бу босқич янада салмоқли бўлади деган ниятда. Бунга давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 12 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги тарихий аҳамият касб этган “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номли маърузаси асос бўлиб хизмат қилади.

Концепцияда белгиланган узоққа мўлжалланган суд-ҳуқуқ ислохотларини ҳалқимизга, айниқса, ёш авлодга етказиш йўлида “Адолат” нашриёти нафақат адлия тизими, балки суд, прокуратура, Ички ишлар вазирлиги тизимлари учун ҳам юридик адабиётлар чоп этишга ихтисослашган нашриёт сифатида катта шикоят билан фаолият кўрсатади. Шундай экан, Ўзбекистон тарихида, демократик фуқаролик жамият қуришга жадал киришган мустақил мамлакатнинг озод фуқароси ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоясида “Адолат” нашриёти нашрлари адолат кўзгуси бўлиб қолаверади.

Яхши китоб яқин дўст

Унинг ўрнини ҳеч нарса босолмайди

“АДОЛАТ” нашриётининг нашр белгиси билан ўтган йиллар давомида чоп этилган китоблар миллий қонунчилигимизнинг ўзига хос қомусига айланди, десак, муболага бўлмайди. Сабаби, нашриёт ташкил бўлганидан буён орадан ўтган қарийб 20 йиллик фурсатда нафақат қонун ҳужжатлари, балки ҳуқуқий мавзудаги ҳар бир йўналишни ўзига хос тарзда шарҳлаб берадиган ранг-баранг мавзудаги китоблар ҳам нашр қилинди.

ҲАР БИР фуқаро, ҳоҳ у ёш, ҳоҳ кекса бўлсин ҳаётида ҳуқуқий маслаҳатларга эҳтиёж сезади. Ана шундай вақтда ҳуқуқий мавзудаги китоблар энг яхши, беминнат маслаҳатгўй бўлади. “Адолат” нашриёти нашрлари айнан шу маънода фақатгина ҳуқуқшунослар, суд-ҳуқуқ, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, давлат ва нодавлат ташкилотларининг масъул ходимлари, ўқув даргоҳларида таълим олаётган талаба ва ўқувчи-ёшлар, ҳуқуқий мавзуда қизиққан кишиларгагина эмас, балки барча учун бирдек қизиқарлидир.

Глобаллашув жараёнида ёшларимизни оммавий маданият таъсирига тушиб қолишдан ўзлигини англатадиган зарур китобларгина асрай олади. Бунда ҳуқуқий адабиётларнинг ўрни бекиёс. Шунинг учун ҳам, яхши китоблар оламига янада яқинроқ бўлишимиз, айниқса, ёш авлодни китобга меҳрли қилиб тарбиялашимиз зарур, деб ўйлайман. Бугун бутун дунёни ташвишга солаётган одам савдоси, гиёҳвандлик ва бошқа турли хил иллатлар домига илиниб қолаётган баъзи юртдошларимизнинг ҳуқуқий ёрдамга муҳтожлигини ҳисобга олсак, ҳаётимизда ҳуқуқий адабиётларнинг ўрни нақадар зарурлигини дилдан ҳис қиламиз. Ривожланган давлатнинг кечаси ва бугунига назар ташласак, қонунчилик ва ҳуқуқшунослик тизимида етарли даражада амалий тажрибани кўрамиз. Тараққиёт ва ривожланиш ўз-ўзидан бўлмайди. Қонун устувор заминда тартибли ҳаёт тарзи бардавом бўлади. Ҳуқуқбузарлик, қонунбузарликлар эса, нафақат бир ва бир неча фуқаронинг, балки бутун бир жамиятнинг тинч ва осойишта ҳаётини абгор қилиши мумкин. Инсоният яралганидан буён ўтган асрлар бунга гувоҳ. Адолат ва қонун устувор бўлган жамиятда одамлар бахтли ва фаровон турмуш кечиради. Мардлик, ю, қасоратига бутун жаҳон тан берган буюк саркарда, адолатли ҳукмдор Амир Темурнинг қуйидаги сўзларини бир эсланг: “Куч — адолатдодир. Бир кунлик адолат — юз кунлик тоат-ибодатдан афзал”.

Қонунлар ҳалқнинг буюк маънавий мулки, миллатнинг йўлини ёритувчи чирокдир. Унда миллатнинг ўзига хослиги, асрий ўзлиги, тарихи ва бугуни ифодасини топади, адолатли қонунлар бахтли келажакка йўл очади. Қўпична фуқароларимиз ҳуқуқбузарлик ҳолатларига дуч келишганда ҳуқуқшунос маслаҳатига эҳтиёж сезишади. Ёки янги қонунлардан, қонунчиликдаги ўзгаришлардан беҳабарлик ҳам муаммолни вазиятларни келтириб чиқаради. Истардимки, “Адолат” нашриётида чоп этилаётган ҳуқуқий адабиётлар ҳар бир оиланинг оилавий кутубхонасидан ўрин олсин. Зеро, ўзи яшаётган мамлакатнинг қонунчилигини мустақил билган ва ундаги ўзгаришлардан ўз вақтида хабардор бўлиб борган фуқаро, ўз ҳуқуқ ва манфаатларини, бурчларини яхши билади, ҳар бир ишда оқилона фикр юритади.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, ҳуқуқий билим инсон учун ҳаётда сув ва ҳаводек зарур. Мустақил мамлакатимизнинг миллий қонунчилигини тарихимиз зарварларига муҳрлаб боришдек масъулиятли ва шарафли вазифани адо этиб келаётган нашриёт жамоасига бу йўлда куч-ғайрат ва муваффақиятлар ёр бўлсин!

Мирфайзи МИРСАМАДОВ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган юрист

АҲЛИ ДОНИШЛАР китобни барча илмларнинг боши, деб бежиз айтишмаган. Техника-технология шиддат билан ривожланиб бораётганлига қарамасдан ҳалқимизнинг китоб мурола қилишга бўлган қизиқиши юқори эканлиги китобнинг инсон ҳаётидаги ўрни нечоғли юксаклигидан адолат беради.

ТАБИИЙКИ, янги қонунларнинг қабул қилиниши уларнинг кенг жамоатчиликка етказиб берилишини тақозо қилади. Мазлумки, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар расмий ҳужжатлар ҳисобланиб, уларни бузиб талқин қилиш ёки расмий манбаларда эълон қилинганидан бошқача шаклда эълон қилишга йўл қўйилмайди. Шунинг учун норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилиш уни расмий ёки норасмий эълон қилаётган субъектлардан катта эътибор талаб қилади.

Мустақиллигимизнинг илк даврлариданоқ қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни расмий нашр сифатида марказлашган ҳолда чоп этишга ихтисослаштирилган мазкур нашриёт Ўзбекистон Республикаси кодекслари, уларга шарҳлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўпламлари, бадий-ҳуқуқий адабиётлар, ўқув қўлланмалари

ва ҳуқуқшунослик илмига оид қатор адабиётларни нашр этиб келмоқда.

“Адолат” нашриёти 2009 йилдан бошлаб норматив-ҳуқуқий

ҳужжатлар эълон қилинадиган расмий манба бўлиши “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами” — “Собрание законодательства Республики Узбекистан” ҳамда “Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўплами” — “Сборник международных договоров Республики Узбекистан” даврий нашрларини ҳам чоп эта бошлади.

Нашриёт меҳнат жамоаси ҳар доим янгиликка интилиб келган ва жорий йилда ҳам улкан марраларни қўлга киритиш мақсади билан меҳнат қилмоқда. Жумладан, “Адолат” нашриёти томонидан 2011 йилнинг биринчи чоракда Ўзбекистон Республикасининг **Жиноят, Божхона, Ер кодекслари, “Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида”-ги, “Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида”-ги, “Ўзбекистон Республикасининг Давлат мад-**

ҳияси тўғрисида”-ги қонунлари “Ўзбекистон Республикасининг Давлат рамзлари тўғрисидаги қонунлари” номли тўплам ҳолида эҳтиёждан келиб чиқиб 50 минг нусхада, “Адвокатурага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами”, “Вояга етмаганларнинг жиноий жавобгарлиги: Ўзбекистон ва Германия қонунчилиги”, “Вопросы систематизации законодатель-

— юрист” асари нашрдан чиқарилди.

Бундан ташқари, жорий йилда Ўзбекистон Республикасининг Солиқ, Фуқаролик кодекслари ўзбек ва рус тилларида алоҳида китоб ҳолида, Оила, Шаҳарсозлик, Жиноят-ижроия, Уй-жой, Ҳаво, Ҳўжалик процессуал кодекслари эса “Ўзбекистон Республикаси кодекслари” тўпламига кири-

Баркамоллик йўли

Унда ҳуқуқий нашрларнинг ўрни бекиёс

ства и ведения его систематизированного учета с применением электронных баз данных” китоблари чоп этилди.

Президентимизнинг парламент палаталари қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганидан 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси асосида тайёрланган 9 номдаги китоблар жамланмаси 20 минг нусхада чоп этилиб, тарқатилмоқда. “Ўзбекистон Республикасининг Фуқароларнинг муносабатлари тўғрисидаги Қонуни”, “Ҳуқуқий етуқлик — баркамолликка элтади”, “Никохланувчиларга ҳуқуқий психологик қўлланма” китоблари, ҳуқуқшунос А.Саидовнинг “Данте

тилган ҳолда қонунчиликдаги сўнги ўзгариш ва қўшимчалар билан нашр қилинади. Шунингдек, “Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига шарҳ”, “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами”, “Нотариатга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами” ва бошқа бир қатор китоблар ҳам нашр этилиши режалаштирилган.

Нашриёт вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, корхона, ташкилот ва муассасалар билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган бўлиб, уларнинг буюртмалари асосида китобларни таҳрир қилиш ва чоп этиш хизматларини ҳам кўрсатиб келмоқда.

Абдулхамид ОМОНОВ,
“Адолат” нашриёти
бош муҳаррири в/б.

Соғлом фарзанд

Келажакда миллат фахрига айланади

ЯҚИНДА “Адолат” нашриётида чоп этилган “Никохланувчиларга ҳуқуқий психологик қўлланма” номли китоб оила ва никоҳ масалаларига бағишланган бўлиб, унда никоҳ тузишга қўйилган талаблар ва унинг мазмун-моҳияти, никоҳ тузиш шартлари бўйича шахсий ва биологик характердаги ҳолатлар мазмунини, оила ва никоҳга психологик назар, никоҳ тузишга монелик қилидиган ҳолатлар ҳамда никоҳни ҳаққий эмас деб топишни ҳуқуқий оқидларни қоби масалалар ёритилган.

МАЗКУР китоб Адлия вазирлиги ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълим бошқармаси ташаббуси билан психологик фанлари доктори В.Каримова, юридик фанлар номзодлари Т.Тиллаева, Ш.Юлдашева, У.Шорамбетовлар ҳаммуаллифлигида нашрга тайёрланган.

Қуйида ушбу қўлланмадан кичик парчани эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

Халқимизда “бола бошдан” деган нақл бор. Чунки, оила муҳитида боланинг тарбияси, ўсиши ва вояга етиши учун асос мавжуд. Соғлом муҳит, муносабатлардаги илқилик, ўзаро тушуниш мавжуд бўлган оилада нафақат фаровон ва бахтли турмуш, балки фарзанд ўстириш ва вояга етказиш муносиб амалга ошади. Шунинг учун фарзанднинг соғлом туғилиши, соғлом ўсиши, соғлом тарбияланиши ва ниҳоят соғлом фикрли шахс бўлиб шаклланиши ҳам оилага боғлиқ. Саломатлик — бу нафақат соғ-саломат юриш дегани, балки узок умр кўриш гарови ҳамдир.

Бугунги кунда бутун дунёда саломатлик ва соғлом турмуш тарзига катта эътибор берилмоқда. Масалан, америкалик олимлар бу нар-

сага панжа ортидан қараш нимага олиб келади, деган саволга уларда кўпроқ агрессив хулқ-атвор кузатилишини таъкидламоқдалар. Яъни, хаста одам уришқоқ, жижзаки, салга таҳанг бўладиган ва сабрсиз бўлиб қолади.

Мустақил юртимизда кенг қулоч ёзаётган болалар спортини ривожлантириш, оилавий спортни миллий менталитетимиз хусусиятларига мос тарзда ҳаётга жорий этиш, мустаҳкам оилада соғлом турмуш тарзини барқарорлаштиришга қаратилган барча саъй-ҳаракатларимиз ислохотларимиз стратегиясига мос бўлиб, юртимизда тинчлик, тотувлик ҳамда тараққиётга, ёш оилаларнинг мустаҳкамлигига қўшилган ҳисса бўлади. Бунда мамлакатимизда амалга оширилаётган қатор

хайрли тадбирлар, жумладан, келин-куёвларни никоҳ олди тиббий кўрикдан ўтказиш амалиёти жуда катта ижобий самара бераёттир.


Оила кодексининг 17-моддасида ёш келин-куёвлар никоҳгача ихтиёрли тарзда тиббий кўрикдан ўтишлари мақсадга мувофиқ эканлиги таъкидланган. Оила кодексига модда киритилишининг моҳияти шундаки, иймонли, инсофли ва яхши ниятли инсон учун оила қуриш, унинг пойдевори мустаҳкам бўлиши йўлида қайғуриш қанчалик муҳим ва мажбурий бўлса ёки ота-она бўлиш масъулияти қучи бўлса, ўзидан соғлом зурриёт қолдириш, уни соғ-саломат қилиб вояга етказиш, тўғри тарбия бериш шунчалик масъулиятли ва мажбурий ишдир. Шунинг учун ҳам ҳар бир йигит ва қиз ёки уларнинг ота-оналари янги оила қуриш



лик муҳим иқтисодий ҳамда маънавий масала эканлигини бугун ҳамма тушуниб етди. Президентимизнинг “Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”-ги ва “2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлоднинг вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самардорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида”-ги қарорлари мамлакатимизда оилаларнинг ижтимоий барқарорлиги, фаровонлиги йўлида олиб борилаётган чора-тадбирларнинг самардорлигини янада оширди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги қарори билан тасдиқланган “Никохланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги Низом”-га кўра, барча фуқаролар ФХДЭ органларига никоҳга кириш учун ариза бергач, тиббий кўрикдан ўтиш учун йўланма олишлари ва белгиланган тартибда ўз саломатликларини текширтириб кўришлари шарт. Бунда бўлажак келин-куёвлар бешта асосий хасталик — сил, тери-таносил, гиёҳвандлик, ОИВ касаллиги (ОИТС), руҳий касалликлар бўйича текширилади. Сабаби, бу беш-

та касаллик бевосита наслга таъсир қилади... Минг афсуски, ҳанузгача қариндош-уруғ ўртасидаги никоҳлар оқибатида ногирон фарзандлар туғилмоқда. Бу ҳолатларга бефарқ қараб, оила қуриш ва ногирон фарзанднинг хасталигини кўриб, бир-бирини айблаш, норози бўлишлар туфайли рўй берадиган никоҳ ажримлари ҳам кам бўлса-да учраб турибди. Оила инсон туғилиши, ўсиши, вояга етиши ва тарбияланиши учун зарур маскан экан, оила ва оилавий муносабатларнинг объектив ва субъектив омиллари мавжудлигини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим. Объектив омилларга эса оила аъзоларининг савияси, оиланинг таркиби, оила аъзоларининг сони, оиланинг моддий фаровонлиги, фарзандларнинг таълим-тарбия муассасалари (болалар боғчаси, мактаб, лицей, институт)га бориши, оиланинг уй-жой билан таъминланиши даражаси (хўли, маҳалладаги уй, кўп қаватли уй) қарорларига никоҳга кириш учун ариза бергач, тиббий кўрикдан ўтиш учун йўланма олишлари ва белгиланган тартибда ўз саломатликларини текширтириб кўришлари шарт. Бунда бўлажак келин-куёвлар бешта асосий хасталик — сил, тери-таносил, гиёҳвандлик, ОИВ касаллиги (ОИТС), руҳий касалликлар бўйича текширилади. Сабаби, бу беш-



Демократик жамият


барпо қилишнинг муҳим шартларидан бири

(Давоми.
Боши биринчи бетда)

ТАДБИР иштирокчилари таъкидлаганидек, юксак ҳуқуқий маданият — демократик жамият пойдевори ва ҳуқуқий тизимнинг етуқлик қўрсаткичидир. У жамият ҳаётининг турли жараёнларини тартибга солишга фаол таъсир этувчи омил бўлиб, фуқаролар, барча ижтимоий гуруҳлар консолидациясига ҳамда жамиятда яхлитликни ва ундаги тартибни таъминлаш ва мустақамлашга хизмат қилади.

Юртбошимизнинг **“Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”**да таъкидланганидек, **“жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши ва бу борада амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақияти, кўп жиҳатдан, одамларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданият даражасига боғлиқдир... мамлакатимизда ҳуқуқий таълим ва маърифатни, жамиятда ҳуқуқий билимлар тарғиботини тубдан яхшилашга йўналтирилган мақсадли кенг кўламли чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш зарур. Ушбу дастурнинг амалга оширилиши аҳолининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишини, фуқароларда қонунга итоаткорлик туйғусининг янада ортишини таъминлайди”**.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари бўйича ўзига хос таълим тизими яратилган.



Аввало, Ўзбекистон Республикасида таълимнинг қонуний асослари ҳамда инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва муҳофаза этиш бўйича миллий дастурларни яратиш юзасидан иш олиб борилади: 1997 йил 29 августда **“Таълим тўғрисида”**ги Қонун қабул қилинди ва **Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури** тасдиқланди; Олий Мажлис томонидан **Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури** тасдиқланди; 1997 йил 25 июнда Ўзбекистон Республикаси Президентининг **“Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш тўғрисида”**ги Фармони эълон қилинди.

Давра суҳбати таъкидчилари Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган дастурий таъ-

минот бўйича тўплаган уникал тажрибасини алоҳида таъкидладилар. Шунингдек, жамиятда инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантиришда Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари бўйича миллий дастурнинг ишлаб чиқиши алоҳида ўрин тутиши ҳақида тўхталдилар.

Тадбир давомида аҳолининг ҳуқуқий тарбиясига қаратилган ҳорижий тажриба ҳам таҳлил этилди. Бу борада ЕХХТнинг Демократик институтлари ва инсон ҳуқуқлари бўйича идораси эксперти Павел Шахук, К.А. денауэр номидаги фонд эксперти Хайнц Бюлер, Латвия Республикаси Омбудсмени Янсонс Юрис, Корея Республикасининг Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий комиссияси бошқарма бошлиғи Ин Дук Рёлар ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Ёрбек ИСКАНДАРОВ,
“Инсон ва қонун”
муҳбири

Юристар малакасини ошириш марказида

Қонунчилик ташаббуси асосида

ЮРИСТЛАР малакасини ошириш марказида **“Суд-ҳуқуқ тизимини демократик тарзда такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари”** мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

ТАДБИРДА Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингини институт, Адлия вазирлиги, Олий ҳужжатли суди вакиллари, ИИБ, шунингдек, марказнинг профессор-ўқитувчилари ва тингловчилари иштирок этди.

Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизими соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг янада изчиллигини ошириш масалалари бўйича фикр алмашиш, аниқ тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбир иштирокчилари суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш муносабати билан жиноят, жиноят-процессуал ва маъмурий қонунчилик, жи-

ноий-ҳуқуқий сиёсатда юз берган катта микёсдаги принципал ўзгаришларни ўзига тизимли ва кенг кўламли тарзда акс эттириши лозимлиги ҳақида фикр билдирди. Хусусан, айрим қонунбузарлик ҳолатлари жиноий юрисдикциядан маъмурий юрисдикцияга ўтказилишини, бу соҳада фуқароларнинг ҳуқуқларини ишончли ҳимоялаш бўйича чораларни белгилловчи нормалар кўзда тутилиши лозимлиги таъкидланди.

Ўзга чиққан экспертлар Президентимизнинг 2010 йил 12 ноябрдаги Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида эълон қилинган қонунчилик ташаббуслари давлат ва жамият ҳаётида муҳим аҳамиятга эга эканлиги суд-ҳуқуқ тизимини янада

либераллаштириш механизмларини янада такомиллаштиришнинг янги даврини бошлаб берганини қайд этдилар.

Давра суҳбати ўзаро фикр алмашув муҳитида ўтди. Шунингдек, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар юзасидан баён этилган тақлифлар юзасидан амалдаги жиноят, жиноят-процессуал, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекслар ва Ўзбекистон Республикасининг **“Тезкор-қидирув фаолият тўғрисида”**ги Қонуни лойиҳаси ҳамда **Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури**ни такомиллаштириш юзасидан тақлифлар ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ўткир ЖАЛОЛОВ,
Юристар малакасини
ошириш маркази
бўлим бошлиғи

Назар

Истеъмолчи ҳуқуқини билиш

ўз соғлигини ўз учун ҳам қайғуриш дегани

МАМЛАКАТИМИЗ иқтисодиётини модернизация қилиш, тадбиркорлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, кичик бизнесни ривожлантириш учун қўлай муҳит яратилгани ютуқлар омили бўлмоқда.

БИРОҚ қўштирноқ ичидаги тадбиркорлар ҳам яратилган имкониятлардан унумли фойдаланишга уриниш ачинарли. Озиқ-овқат маҳсулотларини тақдирланган ёки дуч келган жойларда сотиши етмагандек, ҳатто мuddати ўтган маҳсулотларини сотиш, бундан истеъмолчиларнинг жабр кўриш ҳолатлари учраб турибди.

— Шундай айрим сотувчиларни кўриб хайрон қола-сиз. Ўзлари-ку қўлидаги соя-ябон билан қўвнинг тафтидан саклабди иссиқдаги тухумларни макташдан... Ҳатто тухумларнинг “свежий-

”лигини мактаб, харидорларни ўзига жалб қилаётганига нима дейсиз? Қизиқ, нахотки қуёш тигида туриб қолган бу тухумдан истеъмолчи захарланиши, у ёмон оқибатларга олиб келиши мумкинлигини билишмаса?

Биз истеъмолчилар оғох ва зийрак бўлишимиз зарур. Бинобарин, агар биз ҳуқуқий онгимизни, ҳуқуқий маданиятимизни, ҳуқуқий билими-мизни оширмас эканмиз, мана шундай сифати паст хизматлар турли шубҳали ҳолатлардан ўзимизни ва кела-жак ворисларини асраган бўламиз.

фарзандларимизнинг ҳаётини, уларнинг соғлигини ҳавф остига қўйиб, мана шунга ўхшаш муаммоларга рўпара қилишимиз мумкин. Агар биз харид қилиб олаётган озиқ-овқат маҳсулотлари бўладими, кийим-кечакми, буюртмалар ишлар бўладими, уларнинг сифатини, муддатини кўриб, ишонч ҳосил қилсак, энг муҳими, шартнома асосида муносабатга кирсак, юқоридаги салбий ҳолатлардан ўзимизни ва кела-жак ворисларини асраган бўламиз.

Ойбири
АБДУРАҲМОНОВА,
Урганч Политехника ва
компьютер
технологиялари
коллежи ўқитувчиси

МАМЛАКАТИМИЗДА барча соҳалар қатори ижро иши юртишга онд ислохотлар ҳам ижтимоий муносабатлар ривожига мос равишда босқичма-босқич олиб бори-моқда.

2001 йил 29 августда **“Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”**ги Қонуннинг қабул қилиниши бу борадаги ислохотларни янги босқичга олиб чиқди. Чунки ушбу Қонун билан махсус орган — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти ташкил этилган эди. Утган йиллар давомида мазкур департамент фаолиятини такомиллаштиришнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланди.

Давр талаби мажбурий ижро этиш механизмининг янада такомиллаштириш, шунингдек, суд қарорларини ижро этишдан бўйин товлаган ва тўққинлик қилган қарздорларни жавобгарликка тортишнинг таъсирчан ҳуқуқий механизмларини яратиш, ижро жараёнида суд ижрочиларининг давлат органлари, кредит ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлигини янги босқичга кўтаришни тақозо этди.

Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 15 январдаги **“Ижро иши юртиш такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва**

Жараён

Ижро механизмининг такомиллаштирилиши

фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялашга хизмат қилади

қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ Жиноят, Жиноят-процессуал, Фуқаролик процессуал, **“Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараси тўғрисида”**ги, **“Дехқон ҳўжалиги тўғрисида”**ги ва **“Банкротлик тўғрисида”**ги қонунларга ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Шу ўринда матбуот нашрларида, хусусан, **“Инсон ва қонун”** газетасида ушбу ўзгариш ва қўшимчалар ҳақида мутахассисларнинг бир қатор таҳлилий чиқишлари мунтазам берилганини қайд этиб ўтмоқчимиз.

Соҳага онд қонун ҳужжатларини амалиётга ижтимоий таътиб эти бориб, суд департаментининг Сурхондарё вилояти ҳудудий бошқармаси ўз фаолиятида сезиларли ижтимоий на-тижаларга эришди. Буни қуйидаги

кўрсаткичлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Хусусан, 2009 йилда суд ижрочилари томонидан 106 миллион 386 миллион сўмлик 78 минг 273 та ижро ҳужжатининг ижроси, 2010 йилда 156 миллион 526 миллион 79 минг 492 та ижро ҳужжатининг ижроси, 2011 йилнинг 1-чорагида суд ижрочилари томонидан 71 миллион 576 миллион сўмлик 30 минг 261 та ижро ҳужжатининг ижроси таомолланди.

Бу эса жами ижроси таомолланган ижро ҳужжатлари суммаси, 2009 йилда 20 миллион 866 миллион сўмга, 2010 йилда 50 миллион 140 миллион сўм, 2011 йил 1-чорагида 37 миллион 114 миллион сўмга ошганини аниқлатади. Шунингдек, ижро ҳужжатларини ижтимоий бажаришдан бўйин товлаган шахслардан 138,2 миллион сўмлик жарима, суд ижрочилари томонидан 741,2 миллион сўмлик ижро йиғими ундирилди.

Ижро самарадорлигини ошириш мақсадида Суд департаменти ўзига

юклатилган вазифаларни давлат органлари, кредит ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширишга алоҳида эътибор бериб келмоқда.

Ислохотларга мувофиқ ижтимоий фаолият юртиш ижро самарадорлигининг ошиши ва ҳар бир ижро ҳужжатининг тўлиқ ижроси таъминланишида муҳим, албатта.

Зеро, Президентимиз таъбири билан айтганда, суд қарори ижроси таъминланмас экан, унинг оддий қоғоздан фарқи қолмайди. Мажбурий ижро механизмининг такомиллаштирилиши эса фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга, уларнинг судга бўлган ишончини кучайтиришга хизмат қилади.

Эркин ОМОНҚУЛОВ,
Суд департаменти
Сурхондарё вилояти
ҳудудий бошқарма
бошлиғи в/б

Адлия

аралашгач...

Шартнома — қонуний ҳужжат

Бугунги фермерлар буни яхши билишади

БУГУНГИ фермер шартнома дегани шунчаки йўл-йўлакай тузиладиган оддий бир келишув эмас, балки юридик мақомга эга бўлган расмий ҳужжат эканлигини яхши билади.

Шўрчи туманидаги **“Хайит бобо ўғли Эргаш”** фермер ҳўжалиги бошлиғи Э.Менглиев бундан икки йил илгари контрактация шартнома шартларига кўра **“Шўрчи пахта”** ОТХЖга 41,8 тонна пахта хомашёсини топширган эди. Хирмонга тўқилган хомашёнинг бир қисм маблағини фермер ҳўжалиги олган бўлса-да, қолган 3 миллион 109 минг 530 сўми дарёга отилган тош каби изсиз кетди.

Фермер ҳўжалиги бошлиғи Э.Менглиев пахтаасаноат корхонасига чопавериб чарчади. Қўл силтаб бу оворагарчиликни елкадан ошириб ташлаб юборади деса, уч миллион сўмлик маблағ ҳар ҳолда бир қоп сомон эмас-да! Охири фермер бир даста ҳўжатлару, шартномалар нусхасини олиб, адлия бошқармасига ариза билан мурожаат қилди. Вилот адлия бошқармаси томонидан фермернинг аризаси бўйича ўрганилиб чиқилган барча ҳулосалар жамланиб, вилот ҳўжалик судига даъво аризаси киритилди. Унга кўра, **“Шўрчи пахта”** ОТХЖ ҳисобидан **“Хайит бобо ўғли Эргаш”** фермер ҳўжалиги фойдасига 3 миллион 109 минг 530 сўм асосий қарз, 1 миллион 306 минг сўм пеня суднинг ҳал қилув қарори билан ундириладиган бўлди.

Баҳодир АШУРОВ,
Сурхондарё вилояти
адлия бошқармаси
масъул ходими

ЭЪТИБОРИНГИЗНИ ҲАММАГА ҚАРАТИНГ!
«ҲАММАГА САЛОМ!» ТАРИФИ

\$0,015 Ўзбекистон бўйича чиқувчи қўнғироқлар, SMS ва MMSлар (дақиқа / ҳабар)

\$0,005 МТС тармоғи ичида 1 дақиқа учун (3-дақиқадан кейин)

«Ҳаммага салом!» тарифи ренасига ўтиш учун USSD-команда: *111*120#◎

МТС бир қадам олдинда

Хизматлар лицензияланган

Наманган вилояти адлия бошқармасининг 2011 йил 9 июндаги 122-ум-сонли буйруғига асосан **“VERDICT”** адвокатлик бюроси адвокати **Ҳамидова Гулбаҳор Муҳаммадовна** адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 21 майда берилган **ВН №000097** рақамли лицензиянинг амал қилиши ҳамда 2009 йил 25 июнда берилган адвокатлик мақоми, шунингдек, 029-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши **“Адвокатура тўғрисида”**ги Қонуннинг 16-моддаси ҳамда **Вазирлар Маҳкамасининг** 2009 йил 9 мартдаги 60-сонли қарори билан тасдиқланган **“Адвокатлик фаолиятини лицензиялаш тўғрисида”**ги Низомига асосан тугатилди.

Бухоро вилояти адлия бошқармасининг 2011 йил 9 июндаги 121-ум-сонли буйруғига асосан **“BUKHORO ADOLATI PLYUS”** адвокатлик фирмаси адвокати **Камалов Махсуд Джамолович** адлия бошқармаси томонидан 2010 йил 16 июнда берилган адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи **ВН №000151**-сонли лицензияси ва 2010 йил 13 июлда берилган 153-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми 3 ой муддатга тўхтатилди.

Жиззах вилояти адлия бошқармаси жамоаси бошқарманинг бош ҳисобчиси **Икром Боймуродовга** ўғли

ДОСТОНнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

ИНСОН ва ҚОНУН		ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:		Навбатчи:	Индекс:	МАНЗИЛИМИЗ:
МУАССИСА: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ 1996 йилнинг январдаги ншар этилган	2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва Аxbорот сигналлери 0061-редакция билан руйхатга олинган	Хайитов Райрат Ботирович Мустафоев Бўртот Мустафоевич Ражабова Мавжуда Абдуллаевна Очидов Алижон Мухлисович	Раҳмонов Абдуқамол Шодиевич Султонов Алиқул Топбекович Тўраев Тура Эргашевич Сайдов Шокир Камалович	Ербек ИСКАНДАРОВ Саҳифаловчи- дизайнер: Тўқун РАУПОВ	646882 «ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси тахририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 4 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30-уй. Буортма j-2178. Тиражи — 14902. Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширили — 19.00 — тижорат мақола. [1]	100047, Тошкент ш. Сайлигоҳ кўчаси-5. Тел: 233-95-31, Факс: 233-84-50 e-mail: info@press-ig.uz Сотувда эркин нархда
1 2 3 4 5						